



Я Н Г И Ҳ А Ё Т У Ч У Н, Я Н Г И Ў З Б Е К И С Т О Н У Ч У Н!

10-oktabr
2024-yil 41 (1 091)



АХХР

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

© 21asr.uz © XXI asr Yangiliklari © XXlasr_yangiliklari © asr_xabarlar_i_net © asr_xabarlar_i_net Gazeta 2004-yil 1-yanvarda chop etila boshlagan

ОЛИЙ МАЖЛИС
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ
ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ
КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
САЙЛОВИГА

САЙЛОВ – 2024

16

КУН ҚОЛДИ



Биз Янги Ўзбекистонни юксак маданият ва маънавиятга эга бўлган, эркин, бахтли инсонлар яшайдиган мамлакатга айлантириш учун бутун куч ҳамда имкониятларимизни сафарбар этамиз!

О'zLiDeP: БОШ ҒОЯМИЗ — ИНСОН, УНИНГ ЭРКИНЛИГИ БЎЛИБ ҚОЛАДИ

ЖИЗЗАХ

– Кўрапмизки, бугунги сайловчилар бундан беш-ўн йил аввалгиларидан кескин фарқ қилади. Асосийси, одамларнинг сиёсий фаолликлари ҳам анча ошган, – дейди бир мандатли сайлов округлари бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига О'zLiDePдан кўрсатилган номзод, Акциядорлик тижорат Халқ банкнинг Жиззах вилоят минтақавий маркази раҳбари Камол Бустанов вилоятнинг Зарбдор, Мирзачўл ва Зомин туманларида ўтказилган сайловолди учрашувларида олган таассуротларини биз билан ўртоқлашаркан.

– Табиийки, сайловларнинг мамлакат тараққиёти, халқимиз бахту саодати йўлида улкан аҳамият касб этишини ҳаммамиз теран ҳис қилиб турибмиз.

Партиямиздан бир мандатли 16-сайлов округидан парламент депутатлигига номзоди кўрсатилган АТ “Алоқабанк” Жиззах худудий комплекс хизматлар кўрсатиш маркази чакана бизнес бўйича директори Тошмурод Ҳамдамов иштирокида Ўзбекистон миллий университети Жиззах филиалида бўлиб ўтган мулоқот ғоятда қизғин руҳда ўтди. Эътиборлиси, талаба ёшлар ҳатто учрашуви тугагандан сўнг ҳам номзод билан савол-жавобни давом эттиришди. Университетнинг психология факульте-

ти талабаси Мирзохид Умрзоқов бу сиёсий куч дастурида олий даргоҳда таҳсил олаётган ёшларни ўйлантираётган бир қатор муаммолар ечими бўйича асосли тақлифлар ўртага ташланганини қайд этди ва 27 октябрда, албатта, О'zLiDePни қўллаб-қувватлаб овоз беражagini билдирди.

Шароф Рашидов туманида ташкил этилган тадбирда ҳам аксарият сайловчилар етакчи партиянинг сайловолди дастуридан ўрин олган 5 мақсад ва 500 вазифанинг мазмун-моҳияти билан атрофлича қизиқишди.

Олий Мажлис Сенати Аграр, сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, бир мандатли 17-сайлов округидан парла-

мент депутатлигига партиямиздан номзоди кўрсатилган Рисқул Сиддиков билан вилоятнинг Фориш, Арнасой туманларида ташкил этилган учрашувлар ҳам ғоят самимий руҳда кечди. Айниқса, ушбу сиёсий тадбирларда қатнашган сайловчиларнинг аксарияти ўзларига маъқул бўлган аниқ мақсад ва режалар акс этган сайловолди дастурининг халқчил эканлигига урғу беришди.

– Янги Ўзбекистонимизнинг тараққиёти ва ривожланишига ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилган мазкур ҳужжатда белгиланган долзарб вазифалар амалга оширилса, юртимиз янада фаровон бўлади, халқимиз гўзал ҳаёт кечиради, – деди депутатликка номзод Р.Сиддиқов мамнуният билан.

Ушбу учрашувларда электоратимиз вакиллари бўлган тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар ҳам фаол иштирок этишмоқда.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири



ЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ:

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

АСРЛАРГА ТАТИЙДИГАН
ҲАМКОРЛИК

Бугун ушбу ҳамкорлик доирасида Қашқадарё вилоятида олиб борилаётган амалий ишлар хусусида сўз юритамиз.

Маълумки, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Германия билан кўп қиррали ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилмоқда. Оддий мисол, бугунги кунда юртимизда немислар сармоёси иштирокида 200 дан ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда. Республикаимиз бозорларида Германиянинг етакчи ишлаб чиқарувчилари – “Деуцше Кабел”, “Кнауф”, “Слаас”, “Папенбург” ва “Фалк Порсче” муқим жойлашган. “Сиенс”, “БАСФ”, “Тхиссен Групп”, “Роланд Бергер”, “Адидас Групп” каби машҳур компаниялар билан ҳамкорлик алоқалари изчил йўлга қўйилган. “Деуцше Банк”, “Соммерзбанк” ва “Ландесбанк” билан узвий ҳамкорлик янада ривожланмоқда.

Ўзбекистон – Германия бошқарув кадрларини тайёрлайдиган қўшма таълим дастури доирасида ишлаб чиқилган махсус концепция лойиҳаси 3 йилга мўлжалланган бўлиб, жами 360 нафар давлат хизматчисини қамраб олади. Жойлардан саралаб олинган раҳбар кадрлар 17 ҳафтага мўлжалланган мазкур лойиҳа асосида тингловчилар 6 ҳафта давомида иш жойидан ажралган ҳолда, академияда ўтказилаётган машғулотларда иштирок этадилар. 8 ҳафта давомида эса иш жойидан туриб мустақил таълим олишади. 2 ҳафта вазирлик, идораларда ва яна 2 ҳафта ҳудудий ҳокимликларда амалиётда бўлишади.

Шундан кейин аттестация натижасига кўра, юқори кўрсаткичга эришган 20 нафар тингловчи 9 кун давомида Германияда ўқиб келади. Хориж сафари билан боғлиқ харажат Ханнс Зайдел жамғармаси томонидан қопланади. Мазкур жамғармининг минтақамиздаги лойиҳалари координатори Макс Георг Майернинг маълум қилишича, жамғарма йигирма икки йилдан буён Марказий Осиё мамлакатларида ўз машғулотларини ўтказиб келмоқда. Бугунги кунда Қирғизистон, Тожикистон, Қозоғистон ва Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув органла-



ри ходимлари касбий малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлашга ҳисса қўшиб келишмоқда. Одатда табиий бойлиги кам мамлакатлар тараққиётга эришиш учун инсон ресурсини ривожлантириш, хусусан, давлат бошқаруви соҳасида ёш, салоҳиятли раҳбар кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратадилар. Германия ҳам бундан истисно эмас.

Биринчи мавсумда 56 нафар тингловчи қамраб олинган дастур ўқув режасидан “Давлат бошқарувининг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий асоси”, “Шаҳарсозлик ва қурилиш индустрияси, муҳандислик коммуникацияси ва уй-жой коммунал хўжалиги яшил макон дастурини амалга ошириш”, “Ташқи савдони маҳаллий даражада қўллаб-қувватлаш”, “Қишлоқ хўжалигини

модернизация қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлиги” каби мавзулар ўрин олган. Мазкур лойиҳа доирасида бошқарув кадрларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини қўллаб-қувватлаш, хорижий инвестиция жалб қилиш бўйича касбий маҳоратни ошириш, шунингдек, уларни илғор хорижий тажриба билан яқиндан таништириш кўзда тутилган.

“Ҳокимликка тайёрлаш мактаби” концепцияси асосидаги қўшма таълим дастури орқали тингловчиларнинг амалий машғулотларни қай даражада ўзлаштириётгани, ақлий салоҳияти ва мантиқий фикрлаши муттасил синовдан ўтказилмоқда.

Ҳар бир тингловчининг берган жавоби шифрланади ҳамда академиянинг 4 нафар профессор-ўқитувчиси уларни ўз мутахассислиги бўйича текширади. Аини пайтда текширилаётган ишлар қайси тингловчига тегишли эканлигини билмайдилар. Бундай баҳолаш тизими жараённинг адолатли бўлишини таъминлаши шубҳасиз. Бунинг учун эса тингловчилар аввал назарий имтиҳонларни аъло баҳоларга топшириб олиши талаб этилади. Эътиборли томони шундаки, мазкур мактабнинг ҳар бир тингловчиси юборилган ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ўз режасини ишлаб чиқади.

Мазкур қўшма лойиҳа Янги Ўзбекистонда иқтисодиётни юксалтириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш борасидаги ислохотларни янада жадаллаштиришга хизмат қилиши тайин. Икки давлат ўртасидаги самарали ҳамкорлик, давлат бошқаруви тизимини янада ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлашда муқим аҳамият касб этиб қолмасдан, ўзаро манфаатларни янада яхшилашга хизмат қилади.

Исмигул ХУШМУРОВА,
Ўзбекистон – Германия қўшма Бошқарув
кадрларини тайёрлаш мактаби тингловчиси

ИСЛОҲОТ ВА НАТИЖА

ХОРАЗМ ДУНЁГА УЗУМ ЭКСПОРТ ҚИЛМОҚДА!

Куз – деҳқону боғбон учун элакни сувдан кўтарадиган, йил-ўн икки ой тинимсиз меҳнати ҳосиласи роҳатини кўрсатадиган фасл. Бир ёқда қийғос очилган пахта терими авжида, бир ёқда бугдой ўрнига кўчатланган шולי ўроғи. Айниқса, ҳозир боғбонларнинг қўли-қўлига тегмайди, совуқ, қировли кунлар бошланмасидан меваларни териш, қишга асраш чораларини кўриш ёки бозорларга чиқариш ташвишида.

Вилоятда пахта майдонларининг қисқартирилиши ҳисобидан боғлар ташкил қилишга сўнгги беш йилда давлатимиз раҳбари томонидан катта эътибор қаратилди. Ахир ўттиз сотих ерда ташкил қилинган узумзор бир оиланинг фаровон яшашини бемалол таъминлайди-да.

– Икки гектар майдонда узумзор ташкил қилганман, – деб гурунг беради хонқалик боғбон Олланазар Оллаберганов. – Ўтган йили баҳорда қиров тушиши оқибатида узумларга жиддий зиён етганди. Шунга қарамадан, ҳар гектаридан 50 миллион сўмдан даромад топгандим. Бу йил эса бир гектар ердан камида юз миллион сўм даромад олишни кўзлаб турибмиз. Ҳозирда бизлар етиштирган тоифи узумига Россия, Эрон, Грузия ва Озарбойжондан харидорлар келишмоқда.

Умуман олганда, Хонқа туманида 124 гектар узумзор бор. Амалдаги йилнинг ўзида 45 гектар узумзор ташкил қилинди. Ташландиқ масканда сўнгги олти йилда пайдо бўлган Ойдин ҳаёт маҳалласи ахлининг ярмидан кўпроғида узумзор ташкил қилинган ва 200 киши муқим иш ва даромад манбаи билан таъминланган. Юз гектар узумзорда “Ризамат ота”, “Сўғдиёна”, “Кетмонсопи”, “Келин бармок” каби ўттиздан ортиқ узум навлари етиштирилмоқда. Узумларнинг эртаги навлари ёз ўрталаридаёқ бозорларга чиқарилган эди. Энди эса асосий ҳосил – тоифи навли узум экспортга чиқарилаётди.

Боғот тумани ҳам ўз номи билан боғлар маскани. Туманининг Деҳқонбозор қишлоғидаги бешта маҳаллада яшовчи хонадонлар-

нинг барчаси узумчилик билан шуғулланади. Томорқаси, қўшимча ери ва тендер асосида ажратилган майдонларда етиштирилган узум куз бошламасида бир қатор хорижий давлатларга жўнатилади. Бундан ташқари узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ҳам айнан шу қишлоқда фаолият юритади. Ҳар йили ана шу биргина қишлоқ аҳли ўртача 15 миллион АҚШ доллари миқдоридидаги узумни экспорт қилади, бу ҳар бир тирик жон бошига ўртача беш юз доллардан тўғри келади дегандир.

Сўнгги йилларда тумanning Ўғизраб, Нурафшон, Бешариқ қишлоқларида ҳам узумчилик кескин ривож топди. Фақатгина амалдаги йилда узумчилик учун юз гектардан зиёд ер фуқароларга ажратиб берилди. Қораянтоқ қишлоғидаги шифокор Шермат ака Матёқубов асрий қумлик майдонларда минг машаққат билан узумзор ташкил қилганлардан бири. У ўзининг ихчамгина фермер хўжалиги ерларига узумнинг ҳосил учун камёб бўлган қишмиш турини эккан.

Шифокор-боғбоннинг фикрларига қулоқ тутинг: “Узумнинг эртагишар ёки кузги тоифи навлари ҳар сотихдан ўртача кўпи билан икки миллион сўм даромад келтиради. Қишмиш даромади эса деярли уч ҳисса ошиқ бўлади. Тўғри, бу нав узумни қуритиш – қишмиш тайёрлаш қийин жараён, аммо самараси ҳам шунга яраша”.

Боғистон маҳалласида яшовчи 72 яшар Юсуфбой ака Саъдуллаев олти сотих томорқаси ва 12 сотих қўшимча томорқасини узумзорга айлантирганига етти йил бўлди. Ана



шу йилларда олган даромади ҳисобидан бир ўғлига кўркам иморат тиклади, икки ўғлига замонавий енгил машина харид қилди. Энг асосийси, оиласи тўқ ва фаровон яшапти.

Бундай таърифни маҳалладаги беш юздан зиёд хонадоннинг ҳар бирига бериш мумкин. Дарвоқе, Деҳқонobod аҳоли жон бошига вилоят бўйича энг кўп енгил машинага эга қишлоқ ҳисобланади. Бу фаровонлик айнан узумни хорижий давлатларга қиммат баҳоларда экспорт қилиш ортидан.

Бугун узумзори бўлган фермер ёки хонадон эгаси етиштирган маҳсулотни учун бозор излаш ташвишидан қутулган. Ҳали куз бошланмасиданоқ харидорлар ўзлари оқиб келади. Мевани узиш, саралаш, махсус қутиларга жойлаш харидор зиммасида. Боғбон тарозу бошида келишилган нарх бўйича пули-

ни санаб олади, холос. Етиштирувчи ва бошқа давлатларга етказиб берувчилар ўртасида мустаҳкам қарор топган ишонч маҳсулотни экспорт қилишни жуда қисқа муддатда – бир ойнинг нари-берисида яқунлайди. Бундан ташқари йирик сақлагич омборлари қурган тадбиркорлар етиштирилган ҳосилнинг камида йигирма беш-ўттиз фоизини харид қилиб, қиш ва баҳор ойларида бозорларга чиқаришади.

Узумни қайта ишлаб, ундан қиём, шарбат ва витаминга бой бошқа ичимлик ва ширинликлар тайёрлаш учун Боғот туманида давлат лойиҳаси асосида йирик корхона қуриш режалаштирилган. Йилига икки минг тонна узумни қайта ишлашга мўлжалланган бу корхона воҳада узумчиликнинг янада даромадгир бўлиши кафолатига айланади.

...Урганчдаги тадбирга бораётиб, қўшни Деҳқонobod қишлоғидан ўтадиган катта магистраль йўли бўйларида қаторлашиб турган оғир юк машиналарига кўзим тушди. Тахминий ҳисобларга кўра ҳар йили биргина шу қишлоқдан қиққ тонналик ҳажмли мингга яқин юк машинаси дунёнинг турли бурчакларига узум олиб кетади.

Бугун мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Хоразм томонларда ҳам узум экспорти аини авжига чиққан палла. Бу қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотларнинг халқимиз ҳаётидаги ўзига хос кас садосидир.

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” мухбири

